

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

■ Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Бугун шахримизни ул-

И. КАРИМОВ



СПОРТЧИ РАИС

Қалбида чўғ, иштиёқ баланд бўлса...



«Райиш» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси Мақсудали Раҳимовни раисликка сайлаш учун овоз берганида унинг спортчи экани ва шу боис ҳудудда спорт турларини оммалаштиришни янада жадаллаштиришни инобатга олган эди. Маҳалладошларнинг бу борада адашмагани уч-тўрт ойдаёқ кўза ташланди.

■ Абдумутал АбДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

Янги раис ёшларни спортга жалб этиш борасидаги илк ташаббусини умумтаълим мактабларидаги спорт тўғрисидаги фаолиятини намунали йўлга қўйишдан бошлади. Маҳалла ҳудудидаги 15- ва

16-умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари билан бир ёқадан бош чиқариб, футбол тўғрисида ташкил этди. Ёшларда туманининг «Пахтакор» футбол жамоасида ҳужумчи бўлгани, кейинчалик жамоага мураббийлик қилиб, вилоят биринчилигида муваффақият қозонганини болаларга маорак билан сўзлаб бериб, уларда «милли-

онлар ўйини»га иштиёқ ва қизиқиш уйғотди.

Буни қарангки, маҳаллада тўп сурган Авазбек Курбоналиев, Нодирбек Акбаров Ўртобошимиз ташаббуси билан очилган Андижон футбол академиясига ҳужжат топшириб, синовлардан муваффақиятли ўтди. Нодира Ғаниева эса Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи ўқувчисига ойланди. Ҳозирда у қўл тўпи билан мунтазам шуғулланыпти.

Мақсудали Раҳимов 1986 йили Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини татомлаган, футбол бўйича спорт усталигига номзод. Узоқ йиллар Хўжаобод ва Булоқбоши туманларида жисмоний тарбия ва спортни ёшлар ўртасида оммалаштиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшган, кейинчалик Андижон шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига раҳбарлик қилган. Спорт мактабидagi фаолияти маҳалла бошқарувида қўл келди. М.Раҳимов ўз тажрибасига таяниб, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликка бўғунлай борхам бериш мақсадида маҳалла террасидаги барча ўқувчиларни спорт тўғрисидаги жалб этди. Бугун ҳудуддаги 16-умумтаълим мактабиди спорт-

нинг бокс, каратэ, дзюдо, белбоғли кураш турлари бўйича мунтазам машғулотлар ўтказилапти. 15-умумтаълим мактабидидаги футбол, қўл тўпи тўғрисидаги эса ёшлар билан гавжум.

Мақсудали Раҳимов спорт соҳадаги тарғибот ишлари қўламини ошириб, оилавий спортчилар сафини кенгайтириш бўйича режа ишлаб чиқди. Наврўз байрами муносабати билан ташкил этилган шахмат-шашка мусобақаларида Ражаббой Анорбоев фарзандлари Гулмира ва Фурқат билан маҳалладошларини доғда қолдириб, ғолибликни қўлга киритди. 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кўни муносабати билан «Оқори Райиш», «Ўрта Райиш», «Сутлик ота» ва «Кўшчнор» маҳаллалари ёшлари ўртасида футбол, волейбол, белбоғли кураш ва қўл тўпи бўйича мусобақалар уюштирилди.

Соғлом бола йилининг ўтган даври мобайнида «Райиш» маҳалла фуқаролар йиғинида вояга етмаганлар ўртасида бирор марта тартиббузарлик ҳолати кузатилмади. Спортга ошно раис қалбида иштиёқ бор экан, қишлоқ аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзи бордавом, ёшлари эса баркамол бўлиб улғаяверади.

ЎҚУВ-ТРЕНИНГ

«Болам бахтли бўлсин десангиз...»

Бугунги кунда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий таъдбирлар самарадорлигига эришишни тизимли йўлга қўйиш долзарб вазибалар сирасидан.



■ Н.ХАЛИДОВ олов сўзиди.

■ Зулхумор ЖўРАЕВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бош мутахассиси.

Шу мақсадда ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг билим ва малакасини ошириш муҳим аҳамият касб этди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда ота-оналар учун «Болам бахтли бўлсин десангиз...» мавзусида ўқув-тренинг машғулотларини ўтказди.

Ўқув-тренингдан кўзаланган мақсад фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини ёшлар тар-

биясига оид малакасини, ота-оналарга фарзандларини ҳаётга тайёрлашда услубий ёрдам беришдан иборатдир.

— Машғулотлар тарбиявий савол-жавоблар, медиатақдимот усулида замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган тўғрйли қизиқарли ва мазмунли ўтди, — дейди семинар иштирокчиси, Зангиота тумани «Ободлик» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хамидда Агзамова. — Фарзанд тарбиясига боғлиқ айрим муаммоларнинг ечимини турли педагогик возиятлар мисолида тушунтирилгани биз учун маҳалламиздаги оилаларни ўрганишда, долзарб масалаларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўришда, айниқса, «Ота-оналар университети» машғулотлари самарадорлигини оширишда қўл келди.

Тодбирларда вилоятдаги фуқаролар йиғинларининг 700 нафардан зиёд диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси иштирок этди.

ШУКРОНА

Бу ёруғ кунларнинг қадри бебаҳо

Тинчлик ва фаровонлик ҳукм сураётган юртда туғилиш, яшаш — бахт. Ўзбекистондаги барқарор маънавий муҳит, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги юксалишларга дунё аҳлининг ҳаваси ортмоқда.

■ Шаҳзода АКБАРОВА.

Бугунги авлод айна манзараларни одатий, табиий ҳолда қабул қилиши мумкин. Аммо оғир замонларни, не-не машаққатларни бошидан кечирган нурунийлар учун бу ёруғ кунларнинг қадри баланд.

— Бугунги дориламон кунларни қўриб, ёшлигимни — бурда нонга зор болагимни қўп эслайман, — дейди Янгйўлғон тумани Навкент қишлоғида истикомат қилётган 85 ёшли пире бадавлат онахон Холбодом Боятова. — Бугуннинг болалари энг бахтли авлодлардир. Мустақиллик мамлакатимизга кутлуғ келди. Шаҳару қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада кўркамлашди. Кунда-кунора тўй-ҳашам, карнай-сурнай янграйди. Бир жумлани тақдор-такрор айтишдан қарчмай-

ман: «Ғилларим, қизларим! Бу соодатманд кунларнинг қадрига етинлар,

Ўртобошимизнинг ишончини оқланлар, элга муносиб ворис бўлинглар!» Ая фарзандларининг ўқиби, касб-хунар эгаллаши, турли соҳаларда эл-юрт учун сидқиқилдан хизмат қилиши учун тинимсиз тер тўқди. Бугун бу улкан ва фойзиб оилада Холбодом ая бошчилигида йилга, ҳеч бўлмаганда, тўртта тўй ўтказиш ёки уй солиш аънонага айланган. Яқинда хонадонга қўшаоқ келин тушди. Сертавозе келинчақларнинг қўлидан чой ичиб, уларни дуо қилаётган онахоннинг яна бир холис нияти — уларнинг болаларига ҳам момомерос алласини айтиш.

Аслида тилидаю дилида шукроналик уфурган, уйларимиз формишаси нурунийларимиз — энг катта бахтимиз. Уларнинг қордек оқ сочлари каби пок ниятлари эса мудом йўлдошимиздир.



Ўзурматли юртдошлар!
«Асака» банк (ОАЖ)

куйидаги миллий ва хорижий валюталардаги
муддатли омонат турларини тақлиф этади:

миллий валютада:

«ТАЪТИЛ — 2014»

Омонат учун ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«БАРАКАЛИ»

Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда тўланади.

«ИМТИЁЗЛИ»

Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга (газ, электр энергияси, иссиқ ва совуқ суя, иситиш, исетемол ва ипотека кредитлари тўловлари, олий ўқув юртларида таълим олиш бўйича контракт тўловларига) айналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

хорижий валютада:

«ШОДИЁНА»

(АҚШ долларига)

Омонатнинг сақланиш муддати 2 йил бўлиб, ҳисобланган фойзалар 1 йил ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1»

(ЕВРОга)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) 90 дан ортиқ турдаги миллий ва хорижий валюталарда қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:	Филиаллар номи:	Телефон рақамлари:
Тошкент шаҳар филиали	371 120-83-13	Наманган вилоят филиали	369 226-91-45
Автотранспорт филиали	371 120-39-95	Навоий вилоят филиали	436 770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371 140-39-36	Зарафшон филиали	436 573-18-75
Юнусобод филиали	371 221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365 223-70-05
Сирғали филиали	371 257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365 770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371 120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366 233-65-47
Андижон вилоят филиали	374 298-02-10	Афросиёб филиали	366 221-75-40
Асака филиали	374 233-15-68	Қашқадарё вилоят филиали	375 221-07-41
Фарҳод филиали	374 226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376 770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373 224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361 770-60-56
Марғилон филиали	373 237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362 226-96-03
Олтиариқ филиали	373 432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367 225-44-03
Қўқон филиали	373 552-61-06	Жиззах вилоят филиали	372 226-43-11

Барча омонатларингиз
Фуқароларнинг
банклардаги
омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан
кафолатланади!

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сиз сақланиши
тўғрйли кафолатланади!
— эсалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ахтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк —

сармоянгизни сақланиши ва қўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

МАҲАЛЛАМИЗ ТАРИХИ

«Тўрткўл» тўрт гулли минора...ми?

Азалдан жой номлари маълум ҳудудда яшовчи аҳолининг касб-кори, маънавий қадриятлари, турмуш тарзига мос равишда қўйилган. Зотан, танланган ном ҳудудда яшовчиларнинг аънава ва қадриятлари, географик макон ҳақида маълумот беришга қодир бўлмоғи лозим.

■ Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

«Тўрткўл» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам тарихий масканлардан. Йиғин 1950 йилда ташкил этилган. Маҳалла Тўрткўл шаҳар марказида жойлашгани сабабли шундай аталган.

— Бу ҳудуд асрлар мобайнида «Тўрткўл» деб аталган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви етакчи мутахассиси Дониёр Ис-

кандаров. — Бундай деб аталishi қадимда бу ерда қад кўтарган қалъа билан боғлиқ. Қалъанинг тўрт тарафидида тўрт минора ва уларнинг ҳар бири биттадан гулнинг расми бўлган. Кейинчалик қалъа қула-са-да, тўрт гулли минора сақланиб қолган. Натижада жумла қисқартирилиб, «тўртгул»га айланган. Бошқа бир ривоятга кўра «Тўрткўл» форс тилидаги «Дуртил» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «дур» ҳосил, «гил» түп-рок, яъни «унумдор түпроқли эл» деган маънони билдирган.

Тахминлардан яна бирида қишлоқнинг ўртасидан ўтган йўл бўйида тўрт гузал киз яшаган. Моҳир тикувчи қизлардан либос ва буюмлар хорида қилган йўловчилар «Қўлигул қизлар», «Тўрт гул қишлоғи» деб юри-тишлари натижасида «Тўрт гул» номи келиб чиққан.

«Тўрткўл» жой номининг келиб чиқиш тарихи билан боғлиқ тахминларнинг ҳар бирида яхшилик, ҳунармандчилик, ҳосилдорлик ғоялари акс этган. Дарҳақиқат, ҳозир ҳам тўрткўлликлар орасида ҳунармандлар ва чорвадорлар талайгина.

Яна бир ривоятга кўра, қишлоқнинг ўртасидан ўтган йўл бўйида тўрт гузал киз яшаган. Моҳир тикувчи қизлардан либос ва буюмлар хорида қилган йўловчилар «Қўлигул қизлар», «Тўрт гул қишлоғи» деб юри-тишлари натижасида «Тўрт гул» номи келиб чиққан.

«Тўрткўл» жой номининг келиб чиқиш тарихи билан боғлиқ тахминларнинг ҳар бирида яхшилик, ҳунармандчилик, ҳосилдорлик ғоялари акс этган. Дарҳақиқат, ҳозир ҳам тўрткўлликлар орасида ҳунармандлар ва чорвадорлар талайгина.

Сув тошқини авжида

Сув тошқинлари туфайли Бразилиянинг футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтаётган Риу-Гранди-ду-Сул штатидан 10 700 дан зиёд аҳоли кўчирилди.



Мамлакат жанубидаги сув тошқинлари ҳудуддаги байрамона кайфиятга тасйир кўрсатмай қолмапти. Ўтган ҳафта давомида

ёққан тинимсиз ёмғирлар натижасида жанубий ҳудудлардан 50 мингдан зиёд киши кўчирилган.

Ёгингарчилик Бразилия жанубидаги Аргентина ва Уругвай билан чегара ҳудудларни кесиб ўтувчи Уругвай дарёси сатҳининг кескин кўтарилишига сабаб бўлган. Сувнинг баландлиги 19 метрга ортиб, офат бир қанча минтақалардаги уйлари, йўл ва кўчаларни ғорқ қилган. Тошқинлардан айниқса, штат гарбидидаги Санта-Катерина тумани кўпроқ жабр кўрган.

■ Интернет материаллари асосида
Ф. КОМРОН тайёрлади.

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик хизмати институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

20700 нусхада чоп этилди. Буюртма S-292



ISSN 2010-7013

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Ф.Ҳамдамов

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Топширилди — 21.⁰⁰



ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ

Фуқаролар муурожаати эътиборда

< [1]

Шу боис фуқаролар ўзларини ўйлантриаётган масалалар юзасидан бўлинмасиз қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхонасига муурожаат қилишяпти. Аҳолини ташвишга салаётган муаммолар ҳамкор ташкилотлар иштирокида ижобий ҳал этиляпти. Бугун Жамоатчилик қабулхонаси гавжум масканга айланди.

«Фуқароларнинг муурожаатлари тўрисида»ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида Фонднинг Андижон вилояти бўлим ва бўлинмалари ҳузурида Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилди. Улар алоҳида хона, мебель жиҳозлари, алоқа воситалари, компьютер жамланмалари билан таъминланди. «Нуроний» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур қабулхона фаолиятини тизимли юритиш бўйича оник чора-тадбирлар белгиланди.

Фуқароларни қабул қилишда фуқаролар йиғинининг Жамоатчилик назорати ва истемолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси тўрисидаги Намунавий низомада қайд этилган мақсад ва вазибалар асос қилиб олиняпти. Хусусан, низомада белгилангандек, иморатлар қуриш, ҳовилалар ва ўйлар атрофидаги ҳудудларни озода сақлаш устидан жамоатчилик назорати ўрнатиляпти. Асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида Ҳакан қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги «Пистамозор» маҳалласида яккаёлғиз яшовчи Папирахон Отахоновна Жамоатчилик қабулхонасига моддий ёрдам сўраб ариза ёзди. Онахонга «Маҳалла» хайрия жамонат фонди туман бўлинмаси томонидан зарур ёрдам кўрсатилди.

Шу йилнинг 6 июнь куни Оқ ёр қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Найман» маҳалласидан Фотимахон Ҳўжамбердиева оилавий низолар масаласида муурожаат қилди. Ушбу масала Фонднинг туман бўлинмаси ва хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассислари О.Ўтбосарова, Ф.Умарова ҳамда «Найман» маҳалласи қошидаги Яраштириш комиссияси аъзолари билан биргаликда ўрганиб қилишиб, хонадонда анчадан буюн давом этаётган келиш-

мовчилик бартараф қилинди. Шу йилнинг 23 июнь куни «Янгиобод» маҳалласида яшовчи Ўғилхон Азизова автахолокат сабабли огир тан жароҳати олиб, ҳозир шифохонада даволанаётган ўғлига дори-дармон учун моддий ёрдам сўраган. Бу илтимос ҳам ибобий ҳал этилишидан ташқари, вилоятдаги тажрибали шифокорлар чақирилиб, беморнинг аҳоли қайта қўриб чиқилишига қўмаклашилди.

Хонабод шаҳрида жамоатчилик қабули ҳар ҳафтанинг шанба кунида мунтазам ўтказилади. Унга шаҳардаги корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари раҳбарлари келишувга асосан таклиф этилади. Шуниси эътиборлики, ариза ва шикоятлар мавзуси, қайси соҳага тааллуқлилиги ҳар чоракда мониторинг қилиниб, натижалар ҳокимлик соатида муҳокамага қўйилади. Қабулхонага тушаётган шикоятларнинг мазмун ва моҳиятига қараб шаҳар ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини, муаммо ва камчиликларни илғаб олиш қийин эмас. Айнан шу тадбир шаҳар ҳокимлиги, Фонд бўлинмаси ўз фаолиятини кўпроқ қайси соҳаларга йўналтириш кераклигини кўрсатиб берапти.

Қуйидаги муурожаат эса, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушуниб етаётганига ёрқин мисол бўлади. «Меҳмонбод» маҳалласи Феруза кўчасида яшовчи Нигорахон Маниёзова дўконларда сотилаётган ун маҳсулотларининг сифатсизлиги, бу ҳол кўпроқ «Қўргонтепадон» масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланаётган маҳсулотда учроётгани ҳақида муурожаат қилди. Истемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Хонабод шаҳор бўлими раиси А.Маллабоев ҳамда банк муассасалари раҳбарлари ўзаро ҳамкорликда муаммонинг сабабини ўрганиб, Жамоатчилик қабулхонасига тегишли маълумот бердилар.

Бир сўз билан айтганда, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлим ва бўлинмалари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари аҳолининг ариза ва шикоятларига нисбатан ҳамкор ташкилотлар эътиборини янада қучайтириш, уларнинг фуқаролар муурожаатига нисбатан масъулиятини ошириш, шунингдек, меҳнаткашларнинг аризалари ўз вақтида қўриб чиқилишини таъминлашда фаоллик кўрсатмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ҚВП

Намунаи ва сифатли тиббий хизмат



Ўша олган сурат.

Бугун республикамининг олис туманлари, қишлоқ ва шаҳарларида замонавий биноларда фаолият юритаётган, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган даволаш-профилактика муассасалари аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаёттир.

■ Элдор МУҲАММАДИЕВ.

Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимидаги бирламчи бўғин — қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари олиб бораётган соғлом турмуш тарзи тарғиботи турли юқумли касалликлар тарқалишини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пайкарй туманидаги «Чоштепа» ма-

ҳалласида 2003 йили Чоштепа қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Ўтган йиллар давомида ҚВП ходимлари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида мазкур қишлоқ врачлик пункти замонавий бино, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланиб, туманда намунаи қишлоқ врачлик пунктига

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

Ўз ишига фидойилик ҳар жабҳада асқотади

Нукус шаҳридаги «Бўз овул» маҳалла фуқаролар йиғини — ҳудуддаги энг кўркем масканлардан бири. Айни вақтда 816 хонадонда 5100 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада 2 та умумтаълим мактаби, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларию автомобилларга техник хизмат учун устанчаларда фаолият юритмоқда. Уларда 30 нафардан зиёд ёш доимий иш билан банд.

■ Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ «Mahalla»

Маҳаллада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий, диний анъаналар ҳамда урфодатларни сақлаш ва ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Камилла Айтимбекованинг хизматлари катта. Ҳаётий тажрибага эга маслаҳатчи ўз ишининг фидойиси, десак янгиладиларимиз. Буни жорий йилда «Фуқаролар йиғинининг энг намунаи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ғолиб бўлгани ҳам тасдиқлайди.

Маслаҳатчининг аҳоли хавфсизлигини ва жамоат тартибини сақлаш, осоийшталик ва барқарорликни таъминлашда фуқаролар йиғинининг давлат органлари, нодавлат нотижорат таш-

килотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтиришдаги фаоллиги туфайли жорий йилда ҳудуд ёшлари орасида бирорта ҳам ҳуқуқбузорлик ҳолати кузатилмоғи.

— Юртовшимиз рамҳўрлигида мамлакатимизда маҳаллаларга эътибор йил сайин ортиб бормоқда, — дейди К.Айтимбекова. — Айниқса, турли танловлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида орттирган билим ва малакам фаолиятида асқотмоқда. Зеро, юртимиз тараққиётига дахлдор жараёнлар, жумладан, ёшлар тарбияси, оилалар муносабатлиги, қўшнилар тутувлиги, оғдадорларимиздан мерос қадриятларини ёъозлаш — барча-барчаси бевосита маҳалла ҳаёти билан узвий боғлиқ. Биз, айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратялмиз. Чунки уларни турли ёт гоғлар таъсиридан асраш ҳамда Ватонга муҳаббат ва истиклол юғларига садоқат руҳида тарбиялаш муқаддас бурчимиздир.

Фуқаролар йиғини ҳудудидаги бирор-бир оилада носоғлом муҳит юзюга келса, маслаҳатчи дарҳол ёрдам бериш учун зарур чора-тадбирларни аниқлаб, ваколатли давлат органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда вазиятни соғломлаштиришга киришюди. Масалан, яқинда бир хонадон эгасининг ичкиликка берилиши оқибатида ёш оилада можоро келиб чиқди. Маслаҳатчи бошчилигидаги фаоллар бу муаммони ўз вақтида бартараф қилиб, ёш оилани ажримдан асраб қолди.

Маслаҳатчи Яраштириш комиссиясининг аъзоси сифатида маҳалладаги низоли оилаларни яраштиришда яхшигина тажрибага эга. Асли касби журналист бўлган Камилла оилани барча ҳурмат қилоди. Хонадонларга таширф буюрганида, очик юз билан кутиб олишюди. Икки оғиз ширин сўзи билан вазиятни юмшатади. Шу йилнинг ўзида К.Айтимбекова учта оиладаги вазиятни ўрганиб, қайнона ва келинларни яраштириди, хонадонлардаги муҳитнинг яхшиланишига эришюди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, маслаҳатчи ташаббуси билан ҳудуддаги таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда хотин-қизлар ўртасида қийинчи моданиятини юқсалтиришга қаратилган «Миллий либос — аёл зийнати» мавзусида довора суҳбатлари, учрашувлар уюштириш анъонага айланган.

Бир сўз билан айтганда, К.Айтимбекованинг маслаҳатчи сифатидаги бой таълимбосини оммалаштириш мақсадаги мувофиқ.

Фуқаролар йиғини ҳудудида 34 та фермер ҳўжалиги бор. Туман ҳокими ўз ҳисоботида уларни янада ривожлантириб, кўп тармокли фермер ҳўжаликлорига ойлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳақида ҳам фикр билдирди. Ҳоким қўмағида 4 та фермер ҳўжалиги кам фоизли кредит ҳис-

айлантрилди.

— Муассасамиз 2 минг 600 нафардан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, — дейди Чоштепа ҚВП мудираси Дилором Турдиева. — Ҳудуддаги 365 та хонадоннинг барчасига умумий амалиёт шифокори ва ҳамширалар бириктирилган. Улар ҳар бир оила аъзоларининг саломатлигини назорат қилиб, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзига доир тарғибот ишларини олиб бормоқда. Айниқса, оналар ва болалар саломатлиги доимий эътиборимизда. Шу мақсада тиббий қўриклор ўтказиб, туғуруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёлларга зарур тавсиялар, маслаҳатлар бераймиз. Врачлик пунктимизда ташкил этилган фитобарда тайёрланаётган табиий дамламалар ҳам аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, турли касалликлар асоратини йўқотишда муҳим омил бўлмоқда.

— Авваллари нафақат даволаниш, балки тиббий қўриқдан ўтиш учун ҳам аҳолимиз 30-35 километр йўл босиб, туман марказидаги шифохонага борарди, — дейди «Чоштепа» маҳалла фуқаролари йиғини раиси Шўқрулло Рўзиев. — Бу кекса кишилар, ҳомиладор аёлларга ноқулайликлар туғдирарди. Эндиликда патронаж (хонадон ҳамшираси) хизматининг ташкил этилганидан аҳоли маннун. ҚВП ҳамшираларининг белгиланган кунларда хонадонларга келиб, соғлиғини кўздан кечириб қўяётгани остана ҳтлаб чиқишга ҳам ҳожат қолдирмаляпти. Энг муҳими, бундай қўриқлар давомида соғлом турмуш тарзига оид тарғибот ишларининг олиб берилюётгани ҳам аҳоли тиббий моданиятини юқсалтиришга хизмат қилмоқда.

ҚВПда беш турдаги лаборатория таҳлиллари, шунингдек, электрокардиография (ЭКГ), офтальмолог, отоскопия (кўз ва қулоқ касалликларига дастлабки тахшиш қўйиш), ҳомиладор аёлларни клиник текширишдан ўтказиш каби тиббий қўриклор йўлга қўйилган. Муассасага муурожаат этаётганлар тиббий тарғибот, дастлабки тиббий қўрик, бирламчи тиббий хизмат ва профилактик эмлаш каби хизматлардан баҳраманд бўлишмоқда.

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Фаолият мувофиқлиги — самарадорлик омили

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими, 1 та шаҳар ва 12 та туман бўлинмасида ташкил этилган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар намунаи фаолият юритмоқда.

■ Узоқбой РИСКҲУЛОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, ваколатларини амалга оширишда қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган ушбу кенгаш таркибига маҳаллий давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, депутатлар киритилгани қўл келаёттир.

Фуқаролар йиғинларига услубий-амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят кенгаши аъзолари шаҳар ва туманларга бириктирилган. Кенгаш ташаббуси билан жорий йилнинг май ойида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ходимларининг икки кўник ўқув-семинари ташкил этилди.

Вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаши бевосита фуқаролар йиғинлари фаолиятини изчил ўрганиб келаёттир. Таҳлилларга кўра, жойларда қадрларнинг билим ва малакасини ошириш, ижро интизомига қатъий риоя қилишини таъминлаш

кенгаш олдидаги долзарб вазифалардан. Шу мақсадда кенгаш тавсияси асосида кадрлар захираси шакллантириляпти.

Бу борада Президентимизнинг 2013 йил 10 октябдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига бўлиглаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўқув курслари маҳалла фаолларининг тизимга доир билим ва малакалари ҳамда бошқарув қўникмаларини оширишда асқотяпти. Жорий йилнинг ўтган доври мобайнида 161 нафар раис, 120 нафар масъул котиб, 190 нафар «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси етакчиси ўқув курсларига жалб этилди.

Вилоят мувофиқлаштирувчи кенгаши билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага кўра, йил давомида фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, масъул котиблар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг билим ва малакалари мунтазам ошириб борилади.

лик туғдирини билан бирга, экологик муҳит барқарорлигини таъминлаёттир.

— Ҳудудни ободонлаштириш бўйича узлўқсиз тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди Экология ва табиятини муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш бўйича комиссия раиси Абдумалик Эрназаров. — Намунаи маҳалла лойиҳаси доирасидаги тадбирлар самарасида ҳудудимиздаги ноқонуний қурилган бинолар ўрнида замонавий маиший хизмат иншоотлари, автомобиллар тўхташ жойлари, аҳоли дам олиш масканлари барпо этилди. Бунда жамоатчилик назорати қучаяётгани, фуқароларнинг ҳудуд ободлигига доир муурожаатлари, уларнинг фаоллиги қўл келмоқда.

Ҳар ҳафтанинг шанбаси тозалик кўни, деб эълон қилинган. Айни пайтда ҳар бир уй атрофида хашорлар, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари ташкил этилмоқда.

Хар чоракда фуқаролар йиғинларида мансабдор шахсларнинг ҳисобот бериши яхши анъанага айланган. Бу эса жойларда хайрли ишларнинг бошланишига омил бўлоёттир.

«Чироқчи» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашувда ҳоким ҳудуддаги қоровсиз ерда моданият ва истироҳат боғи ташкил этиш, кинотеатрни тоъмирлаш бўйича тегишли ташкилотларга топшириклор берди.

Хар чоракда фуқаролар йиғинларида мансабдор шахсларнинг ҳисобот бериши яхши анъанага айланган. Бу эса жойларда хайрли ишларнинг бошланишига омил бўлоёттир.

ТАНЛОВ

Энг намунаиилар аниқланмоқда

Фуқаролар йиғинларининг янада такомиллашувидида тизимда ўтказилаётган турли кўрик-танловларнинг аҳамияти катта. «Энг намунаи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови ҳам шулар сирасидан.

■ Олимжон ЖАКБАРОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Ўйчи тумани бўлинмаси масъул котиби.

Соҳа ходимларининг касб маҳорати намоийишига айланган бу тадбирга ҳар йили борча маҳаллалорда қизгин ҳозирлик қўрилади. Бу Наманган вилояти мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Жорий йилнинг 15-20 июнь кунлари Ўйчи туманида танловнинг саралаш босқичи оқсак савияда ташкил этилди. Ҳудудлар бўйича уюштирилган бахсларда 10 та маҳалла фуқаролар йиғини ғолиб чиқиб,

туман босқичида иштирок этиш имконига эга бўлди. Улар Ўйчи маиший хизмат касб-ҳунар коллежи залида учрашиб, учта шарт бўйича ўзаро қуч синашдилар.

Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқини нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳолаб борилди. Натижада юқори балл тўплаган Ўйчи шаҳорчасида жойлашган Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, Мошад қишлоғидаги «Ўзар», Ёркатай қишлоғидаги «Ёркатай» маҳалла фуқаролар йиғинлари эса иккинчи ҳамда учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Танлов якунида ғолиб ва совриндорлар муносиб тоқдирланди.

■ **Иззатилла ДАМИНОВ,**
ҳуқуқшунос.